




**TOSHKENT MOLIYA
INSTITUTI**



**POLOTSK STATE
UNIVERSITY**



**BINARY UNIVERSITY
OF
MANAGEMENT &
ENTREPRENEURSHIP**



**EUROPEAN INSTITUTE
OF APPLIED SCIENCE
AND MANAGEMENT**



**O'ZBEKISTON IQTISODIYOTI TARMOQLARINING
MONOPOLLASHUV DARAJASIGA QARSHI KOMPLAENS
TIZIMNI JORIY ETISH ISTIQBOLLARI**

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

1-aprel 2022-yil

лаёқатлилигини комплекс баҳолаш орқали кредит рискин кескин пасайтириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Ш.З. (2017) Банк иши. Дарслик.-Т.: “Iqtisod-Moliya”.–732 б.
2. Абдуллаева Ш.З. (2017) Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. №1, 11 б.
3. Азизов У.Ў ва бошқалар. (2016) Банк иши.-Т.: “Фан ва технология”, 640 б.
4. Алимардонов И.М. (2017) Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. №2, 6 б.
5. Ендовицкий Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. (2016) Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, - 376 с.
6. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. (2005) Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Учебно-практическое пособие. М. : КНОРУС. - 272 с.
7. Лиференко Г.Н. (2005) Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.- М.: Экзамен, с. 160
8. Мавланов Н.Н. (2016) Корхона кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва уни комплекс таҳлилин такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. №3, 9 б.
9. Мавланов Н.Н. (2018) Сравнительная оценка современных концепций анализа кредитоспособности: научные подходы и практика. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. №1, 14 б.
10. Маматов Б.Ш., Куллиев И.Я., Пулатова М.Б. (2016) Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миқозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Монография.-Т.:Extremum-press,112 б.
11. Наумченкова Ю. В. (2016) Оценка кредитоспособности заемщика. Теория и практика современной науки. № 5. с.5
12. Рахимов М.Ю. (2015) Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-Молия”, 392 б.

МАВЛАНОВ НОРМУМИН

PhD, доцент Тошкент молия институти

КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИКНИ БАҲОЛАШДА КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ МЕТОДИКАСИ

Аннотация. Мақолада кредитга лаёқатлиликни баҳолашда комплекс таҳлил методи ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Кредитга лаёқатлиликга аниқ, ишончли ва кенг қамровли баҳолаш имконини берувчи комплекс таҳлил методикаси ишлаб чиқилган ва ушбу унинг афзалликлари кўрсатиб берилган. Кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг комплекс таҳлил усули хўжалик юритувчи субъектнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таянган ҳолда балл тизимидан фойдаланиб тўртта гуруҳга ажратиш орқали баҳолаш тартибини ифодалаган.

Таянч сўзлар. Кредитга лаёқатлилик, комплекслилик, комплекс таҳлил, сифат кўрсаткичлари, миқдор кўрсаткичлари, кредитга лаёқатлилик гуруҳлари, балл тизими.

Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш[1]. Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда иқтисодиётимиз локомотиви банкларнинг ўрни муҳимдир. Ҳозирда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни асосан банк кредитлари ҳисобига қондириб келмоқда. Банк кредитларидан самарали фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам банклар учун ҳам муҳимдир. Банк кредитлари жалб қилишда мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва тўғри баҳолаш икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир. Республикамиз ва хорижий амалиётда хўжалик юритувчи субъектларининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда турли хил усул ва методлардан фойдаланиб келинмоқда. Барча усул ва методларнинг якуний натижаси хўжалик субъектларининг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва ишончли баҳолашга қаратилади. Ушбу усул ва воситалар ичида энг ишончлиси комплекс таҳлил методикаси ҳисобланади. Келтирилган таҳлил усуллари корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини турли томонларини

кўрсатиб беради бироқ, фақат комплекс таҳлил корхонанинг кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаш имконини беради[2]. Молиявий фаолиятнинг комплекс иқтисодий таҳлили – молиялаштириш масалалари, корхонанинг молиявий(жорий ва истикболли) ҳолати ва барча молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган[3]. Бундан кўринадики, комплекс таҳлил методи хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини тўлиқ ва кенг қамровли баҳолаш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш комплекслик, тизимлилик, объективлик, самарадорлик, эҳтиёткорлик ва аниқлик тамойилларига асосланиши керак. Комплекслик - таҳлил қилинаётган объектнинг барча бирликлари, бўғинлари ва томонларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқликларини атрофлича ўрганишни тақозо қилади[4]. Бундан кўринадики, комплекс таҳлил методи хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча омиллари ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали кредит(асосий қарз ва фоизи)ни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш лаёқатини баҳолаш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг комплекс таҳлил методикаси сифат ва миқдор кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда баҳолайди. Ушбу методика хўжалик юритувчи субъектнинг тармоқ хусусияти ва маҳсулоти рақобатбардошлиги, корхонанинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш, молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, корхонанинг молиявий натижалари таҳлили, корхонанинг бошқариш ва ташкилотчилиги ва бизнес обрўсига баҳо бериш, корхонанинг кредит rischi билан боғлиқ кўрсаткичлар ва пул оқимлари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилини ўз ичига қамраб олади.

1-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг комплекс таҳлил методикаси кўрсаткичлари⁸⁸

Модул	Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга
-------	--

⁸⁸ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

	лаёқатлилигини баҳолашнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари
Хўжалик юритувчи субъектнинг тармоқ хусусияти ва маҳсулоти рақобатбардошлиги	Корхонанинг бозордаги улуши, корхона фаолиятига инновацияни жорий этилиш даражаси Товарларнинг хилма-хиллиги, юқори қўшимча қиймат ва юқори сифатга эгаллиги, сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган ва талаб мавжудлиги Тармоқ ва минтақада хорижий рақобатдош корхонанинг мавжудлиги
Хўжалик юритувчи субъект иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш	Меҳнат унумдорлиги Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти Фонд қайtimi Материал қайtimi, инновацион маҳсулот улуши Корхонанинг рақобатда устун жиҳатлари
Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлили	Ўз айланма маблағлари мавжудлиги(НСОС) Тўлов қобилияти коэффициенти Молиявий барқарорлик коэффициенти Молиявий мустақиллик коэффициенти Баланс ликвидлиги Айланма маблағлар айланувчанлиги
Корхонанинг молиявий натижалари таҳлили	Маҳсулот сотишдан соф тушум режасининг бажарилиши Сотиш рентабеллиги Активлар рентабеллиги Соф фойда рентабеллиги Харажат ва даромад нисбати
Корхонанинг бошқариш ва ташкилотчилиги, бизнес обрўсига баҳо бериш	Таъсисчиларни корхона фаолиятига таъсир қилиш қобилияти Корхонани қўллаб-қувватловчи корхоналарнинг мавжудлиги Корхона раҳбари ва раҳбар ходимларнинг бошқариш қобилияти ва ташкилотчилиги Кадрлар алмашинуви даражаси Корхона фаолиятини ташкилий-тузилмавий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилганлиги Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни, бозордаги обрўси ва брендининг таниқлилиги
Корхонанинг кредит rischi билан боғлиқ кўрсаткичлари	Корхонанинг кредит тарихи(олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариши) Кредит таъминоти (юқори ликвидли активлар билан таъминланганлиги, кафилнинг молиявий

	аҳволи барқарорлиги, суғурта полиси кредитни тўлиқ қамраб олганлик даражаси) Лойиҳанинг реаллиги (банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келиши ва асосланган ахборотларга эгаллиги, лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжудлиги, корхонада компетент ходимлар етарлиги, қулай табиий шароит, етарли инфраструктура ва коммунал хизматлар мавжудлиги)
Пул оқимлари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	Пул маблағлари тушуми ва сарфланишини мавсумийлик ва цикллار бўйича бир хиллиги Сотишдан пул тушуми рентабеллиги Соф пул оқими етарлиги коэффиценти Мажбуриятларни қайтариш муддати(кун ҳисобида) Пул маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти

Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг комплекс таҳлил методологиясини кредиторнинг зарурий талабларига мослаштириш учун ҳар бир кўрсаткичнинг хусусиятидан келиб чиқиб, балл тизими асосида баҳолашни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз. Агар миқдор кўрсаткичлари бўлса уларни интервал оралиғидан, сифат кўрсаткичларини эса мазмунидан келиб чиқиб балл берилади. Сифат кўрсаткичлари- миқдор кўрсаткичлари воситасида аниқлаб бўлмайдиган, лекин мазкур масала учун муҳим бўлган жиҳатларни сезиш ва тушуниш ёрдамида амалга ошириладиган ҳамда қарор қабул қилиш учун асос бўладиган кўрсаткичлар ҳисобланади. Бундан кўринадики сифат кўрсаткичларига баҳо беришда мутахассиснинг онгли ёндошуви талаб этилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг комплекс таҳлил методикасининг афзал жиҳатлари:

5. Ушбу методика корхоналар кредитга лаёқатлилигига аниқ, ишончли ва кенг қамровли баҳолаш имкониятига эга.

6. Бошқа баҳолаш методларидан фарқли равишда хўжалик юритувчи субъектлар кредитга лаёқатлилигини баҳолашда миқдор кўрсаткичлари билан бир вақтда сифат кўрсаткичларини ҳам балл тизими ёрдамида ҳисобга олинганлиги.

7. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш мезон(критерий)ларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

8. Халқаро тажрибалар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Республикамиз банклари амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда коэффициентлар усулидан фойдаланиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор молиявий кўрсаткичларга қаратилмоқда. Коэффициентлар усулида молиявий кўрсаткичларни ушбу учта коэффициент билан тўлиқ очиб бериш имкони мавжуд эмас. Қолаверса ушбу коэффициентларнинг ҳисоблаш усулидаги камчиликлари янада бу усулнинг ноаниқлик даражаси юқорилигини кўрсатиб беради. Ушбу коэффициентлар усулининг яна бир камчилик жиҳати тугалланган давр маълумотлари асосида баҳо бериб, кредитни келгуси даврга ажратилишидир. Бунда келгуси фаолиятини олдиндан башоратлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Банklar томонидан эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши муҳим яна бир жиҳат сифат кўрсаткичларидир. Сифат кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятларини ўз вақтида ва тўли қайтаришида муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хориж тажрибасини мужассамлаштирган ҳолда кредитга лаёқатлиликини баҳолашнинг комплекс таҳлил методикасини ишлаб чиқдик. Ушбу методика хўжалик юритувчи субъектларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари асосида кредитга лаёқатлилигини комплекс баҳолаш орқали кредит рискинни минималлаштириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда комплекс таҳлил методикаси кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш қобилиятини аниқ, ишончли ва кенг қамровли баҳолаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Наумченкова Ю. В. Оценка кредитоспособности заемщика. "Теория и практика современной науки". – М.: №5(11) 2016. 4 с.
3. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Т.: “Фан ва технология”, 2012, 9,247 б.
4. Волынский В.С. "Кредит в условиях современного капитализма" Москва, 1991 г.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори. 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли Қарори. www.norma.uz.
6. М.Ю.Рахимов, Н.Н.Каландарова. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019. – 736 б.
7. Жамбекова Р.Л. Методика системной экономической диагностики предприятия. / Дис.... др. экон. Наук., 2012. – 354 с.
8. Ендовицкий Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. (2016) Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, - 376 с.
9. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. (2005) Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Учебно-практическое пособие. М. : КНОРУС. - 272 с.
10. Лиференко Г.Н. (2005) Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, с. 160.

ҚИЁСОВ ШЕРЗОД УРАЛОВИЧ

(PhD), доцент Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ СИФАТИНИ ОШИРИШ – ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДАН СОЛИҚНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги сифатини ошириш, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ундириш масалалари кўриб чиқилди, жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишнинг асосий муаммолари ёритилган, хорижий тажриба асосида солиқ агентларининг солиқ интизомини такомиллаштириш, шу жумладан солиқ саводхонлиги ва ахборот билан ўзаро алоқаларини ошириш, шунингдек, тақлиф этилаётган шахсий даромад солиғи тизимининг ислоҳи устувор йўналишлари доирасида солиқ маъмуриятчилиги механизмини такомиллаштиришга қаратилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг янги алгоритмининг жорий этиш тақлиф этилган.

Таянч иборалар: солиқ маъмуриятчилиги сифати, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ислоҳи, солиқ интизоми

	on the gross product in anti-monopoly conditions.....	
27.	Khasankhonova N., Majidov B Ways to develop the knowledge economic concept by increasing educational resources.....	313
28.	Yakubova N.T Theoretical interpretation of business processes in insurance activity: generality and specificity.....	326
29.	F A Khamidova., U D Zaynutdinova., N A Abdurashidova Auto market analysis based on benchmarking for competitiveness assessment.....	340
30.	Мелиев И. И., Холиков Б.А. Аудит в в содружества независимых государств: проблемы и решения.....	352
31.	Mavrulova N., Mamadiyrov O Impact of the institute of reinsurance on the solvency of insurance companies.....	365
32.	Сагдиллаева З., Файзиев У Актуальность показателей рентабельности для анализа финансового состояния предприятий.....	379
33.	Hamdamov B., Gafurova A The role of state financial control in the conditions of natural monopoly.....	389
34.	Sulaymanov B.A. The role of foreign experience in the restructuring of industrial enterprises in Uzbekistan.....	398
35.	Саидов Ж.З. Чорвачилик тармоғини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари.....	407
36.	Аскарлова Д Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштириш.....	411
37.	Мавланов Н Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилинди такомиллаштириш.....	416
38.	Мавланов Н Кредитга лаёқатлилигини баҳолашда комплекс таҳлил методикаси.....	421
39.	Қиёсов Ш Солиқ маъмуриятчилиги сифатини ошириш – жисмоний шахслар даромадларидан солиқни ислоҳ қилиш вазифалари ижросини таъминлаш гарови.....	427
40.	Шарапова М.А Ўзбекистонда тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари (халқ таълими тизими мисолида).....	445
41.	М.М.Шокирова Халқаро ликвидлик муаммолари ва уни бошқаришнинг зарурлиги.....	459
42.	Ergashev.E.I., Sobirova M.N State financial support of innovative activities of small and medium businesses abroad.....	463
43.	Sh.X.Sunatullayeva ., M.Z.Botirov Korxonalar raqobatbardoshligini ta'minlash omillari.....	477
44.	Шокирова М.М. Некоторые аспекте ликвидности коммерческих банков в условиях трансформации.....	480
45.	Allayarov Sh.A, Tashmuradova B.E, Amanullaeva Y. Sh TAX Discipline and its influence on financial security.....	483
46.	А.Мурзуев Тижорат банкларида молиявий хавфсизликнинг омилли тадқиқи.....	495
47.	Sh.N.Mamatqobilov The essence of strategic marketing and its difference from operational.....	501
48.	Н.Н.Уктамова Практика повышения эффективности использования активов банками развитых стран.....	504
49.	Ш.Э. Синдаров Особенности финансирования малых предприятий в условиях цифровизации.....	507
50.	Х.С.Хаджаев Ш.Ш.Файзиев Инвестирования в период узбекистана.....	511
51.	Э.Н.Рахимов Экономическая безопасность: аспекты налогового потенциала и цифровой экономики	520